

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**3 - МАХСУС СОН**

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК - 3**

## **LOOK TO THE PAST**

**SPECIAL ISSUE - 3**



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**«Ўтмишга назар» илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**  
тарих фанлари доктори,  
профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бобожонова Дилором Бобожонова**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари  
университети

**Зияева Доно Ҳамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Кебадзе Мадонна**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Аширов Адҳам Азимбаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Агзамова Гулчехра Азизовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти

**Бурдиашвили Майя**  
тарих фанлари доктори, Телави  
давлат университети, Грузия

**Кожакеева Ляззат Темировна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика  
университети, Қозоғистон

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**  
тарих фанлари доктори,  
Тошкент кимё - технология институти

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон давлат жаҳон  
тиллари университети

**Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Гоффоров Шокир Сафарович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Самарқанд давлат тиббиёт институти

**Эргашева Юлдуз Алимовна**  
Тарих фанлари доктори, профессор,  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт  
институти

**Теймураз Ахалмосулишвили**  
профессор, Телави давлат  
университети, Грузия

**Халикова Рахбар Эргашевна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Тошкент давлат техника университети

**Ишанходжаева Замира Райимовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Нукус давлат педагогика институти

**Мустафаева Нодира Абдуллаевна**  
тарих фанлари доктори  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**  
тарих фанлари номзоди, профессор,  
Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси

**Ширванова Тарана Амирага кызы**  
тарих фанлари номзоди, доцент  
Азербайджон давлат  
иқтисодиёт университети

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**  
тарих фанлари доктори, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Санпова Камола Давляталиевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Расулов Абдуллажон Нуриддинович**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Наманган давлат университети

**Ковалев Борис Николаевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Россия ФА, Санкт-Петербург  
Тарих институти

**Кобзева Ольга Петровна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Ауанасова Алима Мусировна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

**Бегалинова Калимаш Капсамаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор,  
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон  
Миллий университети, Қозоғистон

**Хайдаров Муродилла Махмуталиевич**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон миллий университети

**Алиева Лале**  
тарих фанлари доктори,  
Озарбайжон давлат университети

**Исмаилова Алмаз**  
тарих фанлари доктори,  
Догистон мустақил университети

**Талапов Бахриддин Алижанович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Наманган давлат университети

**Одилов Аброр Анварович**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон Миллий университети

## МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT

<b>1. Алима Ауанасова</b> ҚОЗОҒИСТОН ХАЛҚ АССАМБЛЕЯСИ – МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БИРДАМЛИКНИНГ САМАРАЛИ МОДЕЛИ.....	5
<b>2. Максим Моисеев</b> РОССИЯ ПОДШОЛИГИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ТАРИХИГА ОИД ЯНГИ ТОПИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР.....	11
<b>3. Рахбар Холиқова</b> TURKISTON O‘LKASIDAGI MILLIY OZODLIK HARAKATLARI TARIXIDAN (MARDIKORLIKKA SAFARBARLIK VA UNING OQIBATLARI).....	21
<b>4. Ибройим Махкамов, Хамиджон Шахобов, Умида Носирова</b> ЖАДИДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ.....	29
<b>5. Дурдонахон Муродова</b> ЖАНУБИЙ ФАРҒОНА ШАҲАРСОЗЛИГИДА МАРФИЛОН. ДАСТЛАБКИ АНТРОПОГЕН ЛАНДШАФТЛАР (ЁЗМА МАНБАЛАР ВА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА).....	36
<b>6. Авазбек Мирзаев</b> ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ПАХТА САВДОСИ ВА ТОЛАНИ МЕТРОПОЛИЯГА ТАШИБ КЕТИЛИШИ МАСАЛАЛАРИ.....	42
<b>7. Саҳодат Муртазова</b> “МАҚОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ.....	48
<b>8. Шухратжон Абдуллоев</b> БУҒДОЙНИНГ ИЛОҲИЙЛАШТИРИЛИШИ БЎЙИЧА МОДДИЙ ВА ЁЗМА МАНБАЛАР.....	54
<b>9. Исломбек Бобожонов</b> ТОШКЕНТ ШАҲАР МАҲАЛЛАЛАРИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДАГИ МАЪНАВИЙ- МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК (1991-2019 йй.).....	63
<b>10. Бобурмирзо Ботиров</b> ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИГА ОИД ҚУРЪОНИ КАРИМДА КЕЛГАН НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	69
<b>11. Хумоюн Назаров</b> ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ ҚЎҲНА ШАҲАРЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИДАН.....	81
<b>12. Баҳрам Намозов</b> ҚУТЛУҒ БАШАРОВ ИЖОДИГА НАЗАР.....	90
<b>13. Файзулла Очилдиев</b> XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИДА ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАР ВА СОЛИҚ ТУРЛАРИ.....	96


<b>14. Turdigul Omirzakovna</b> QORAQALPOQ XALQINING XOTIRALARIDAGI VA MEMUARLARIDAGI IKKINCHI JAHON URUSHI.....	105
<b>15. Мухиддинжон Примов</b> XX АСРНИНГ 60-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАРТОГРАФИЯСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИГА ДОИР.....	113
<b>16. Азиз Равшанов</b> ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДАГИ ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚИСҚАЧА НАЗАР (1991-2020 йиллар).....	120
<b>17. Гулчехра Рахимова</b> ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА ЭКОЛОГИК ҲОЛАТНИНГ ЎЗГАРИШ САБАБЛАРИ.....	127
<b>18. Екатерина Смесова</b> ВЕРА КОМИССАРЖЕВСКАЯ ВА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИНИНГ ТЕАТР САНЪАТИ ТАРИХИ САҲИФЛАРИДАН.....	134
<b>19. Жасур Савриев</b> НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “РАБОТИ МАЛИК” ҚАРВОНСАРОЙИНИНГ ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИ ВА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ТАЪМИРЛАНИШ ТАРИХИ.....	140
<b>20. Музаффар Тожибоев</b> ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРИХИНИНГ ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.....	156
<b>21. Сайёра Тураева</b> ЧОР РОССИЯСИНИНГ ЎРТА ОСИЁГА 1840 ЙИЛЛАРДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯЛАРИ: ГЕОЛОГИК ВА ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ АСПЕКТЛАРИ.....	163
<b>22. Тўракул Ҳасанбоев</b> ЖИЗЗАХ ВОҲАСИ СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА (ЁЗМА МАНБАЛАР АСОСИДА).....	170
<b>23. Шермухаммат Эрназаров</b> МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАРҒИБОТИДА ТАРИХИЙ ВА СИЁСИЙ ОНГНИНГ АҲАМИЯТИ.....	176
<b>24. Ахмеджон Юсупов</b> САРИҚАМИШБЎЙИ ВА УЗБОЙ САРҲАДЛАРИ ЁДГОРЛИКЛАРИДА АРХЕОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАР ТАРИХИДАН.....	185
<b>25. Алишер Эсанов</b> ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ АСОСЧИСИ АБДУЛЛА ҚОДИРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ҲАҚИДА БАЪЗИ МУНОЗАРАЛАР.....	193
<b>26. Миролим Бердикулов</b> ТЎДА-1 НЕОЛИТ МАКОНИ ТОШ ҚУРОЛЛАРИ (2017-2018 йиллардаги қазилма материаллари асосида).....	197

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Саҳодат Бўриевна Муртазова,**  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти  
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
sahodat@mail.ru

## “МАКОМ” ФЕСТИВАЛИ – ХАЛҚАРО МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**For citation:** Sahodat B.Murtazova, "MAKOM" FESTIVAL - A NEW STAGE OF INTERNATIONAL CULTURAL COOPERATION. Look to the past. 2020, Special issue 3, pp.48-53

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6582923>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада халқаро миқёсда ўтказилган биринчи халқаро “Мақом” фестивали, ўзбек миллий мусикий мероси ва соҳа ривожини учун қабул қилинган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга оид маълумотлар умумлаштирилган. Шунингдек, юртимизнинг турли ҳудудларида асрлар давомида шаклланган мақом анъаналари ва мақом намояндалари фаолияти ҳақидаги материаллар таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** мақом, халқаро “Мақом” фестивали, мусиқа, маданият, санъат, маънавий мерос, Шашмақом, анъана, ҳофиз, созанда, Катта ашула, конференция, музей.

**Саҳодат Бўриевна Муртазова,**  
доцент кафедраси “Истории Узбекистана”  
в Каршинский инженерно-экономического  
института, доктора философии (PhD)  
по историческим направлениям  
sahodat@mail.ru

## “МАКОМ” ФЕСТИВАЛ - НОВЫЙ ЭТАП МЕЖДУНАРОДНОГО КУЛЬТУРНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА

### АННОТАЦИЯ

В статье обобщена информация о первом международном фестивале «Маком», об узбекском национальном музыкальном наследии, а также о нормативно-правовых документах, принятых для развития отрасли.

Также были проанализированы материалы о традициях статусности и деятельности представителей статуса, сформировавшихся веками в разных регионах страны.

**Ключевые слова:** маком, международный фестиваль маком, музыка, культура, искусство, духовное наследие, шашмаком, традиция, хафиз, музыкант, большая песня, конференция, музей.

**Sahodat B. Murtazova,**  
Associate Professor of the Department of History  
of Uzbekistan at Karshi Engineering and Economic Institute,  
Doctor of Philosophy (PhD) in history  
sahodat@mail.ru

## "MAKOM" FESTIVAL - A NEW STAGE OF INTERNATIONAL CULTURAL COOPERATION

### ABSTRACT

The article summarizes information about the first international festival "Makom", about the Uzbek national musical heritage, as well as about the regulatory documents adopted for the development of the industry.

They also analyzed materials about the traditions of status and the activities of status representatives that have formed over the centuries in different regions of the country.

**Index Terms:** maqom, international maqom festival, music, culture, art, spiritual heritage, shashmaqom, tradition, hafiz, musician, big song, conference, museum.

### 1. Долзарблиги:

Дунё халқлари бугунги кунда ўз миллий мусиқа маданиятини ўрганиш, тарғиб қилиш, миллий мусиқа анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ижодий ҳамкорликни ривожлантириш, халқаро мусиқа фестивалларини ташкил этиш борасида жиддий ҳаракатлар олиб бормоқда.

Жумладан, халқимизнинг асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий кадриятларидан ҳисобланган Шашмақом, Катта ашула, Лазги, Бахшичилик каби санъат турлари ЮНЕСКО эътиборига тушиб, ташкилотнинг “Инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдоналари” сифатида махсус рўйхатга киритилган. Зеро, ўтмишдаги мусиқий ижрочилик анъаналарини тиклаш ва замонавий шароитларда сақлаб қолиш, ўзбек миллий мусиқий асарлари ва соғларини хорижий мамлакатларда намойиш этиш, мусиқа таълимида янги анъаналарни таркиб топтириш, халқ маънавий меросини асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш, жамият ҳаётида мусиқа маданиятининг тутган ўрнини таҳлил этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Зеро, Ибн Сино бобомизнинг “Жисмимиз саломатлиги учун озуқа қанчалик муҳим бўлганидек, руҳимиз поклиги учун санъат шунчалик зарурдир”, деган пурҳикмат сўзлари, келажакимиз бўлган ёшларимизнинг руҳий баркамоллиги ҳақида қайғуришга ундайди.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий методлар-тарихийлик, қиёсий-манتيкий таҳлил, кетма-кетлилик, изчиллик, холисоналик каби тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, мамлакатимиз ўз тараққиёт ва барқарор ривожланиш йўлидан борар экан, ҳар бир соҳада бўлгани каби миллий мусиқий меросни асраб-авайлаш, уни ўзига хослиги, бетақдорлигини сақлаб қолиш ва авлоддан-авлодга безавол етказиш борасида кенг кўлами амалий, фундаментал ишлар қилинаётганлиги сир эмас.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда мусиқа маданиятини янада ривожлантириш борасидаги ишлар юқори поғонага кўтарилди. Мусиқа маданиятининг турли йўналишлари бўйича ёш истеъдодларни излаб топиш, уларнинг ижодий фаолиятини юксалтириш юзасидан ғамхўрлик қилиш муҳим аҳамиятга молик вазифалардан бирига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 августдаги “Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3212-сонли қарорида “...халқимизнинг маънавий савиясини ошириш, ёш авлодни юксак инсоний ғоялар, она Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий ва умуминсоний кадриятлар асосида камол топтиришда мусиқа санъатининг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир”-дея таъкидланади.

Ўзбек миллий мусиқий мероси ҳақида гапирганда, аввало мақом санъати алоҳида аҳамиятга эга бўлган бебаҳо маънавий мерос эканлигини таъкидлаш лозим. Мақом санъатига

мамлакатимизда кейинги йилларда алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бу борада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг ёрқин ифодасидир.

Дарҳақиқат, ўзбек миллий мусиқий мероси бой ва ранг-барангдир. Шу жумладан, мақом санъати ҳам халқимизнинг асрлар давомида барҳаёт бўлиб келаётган дурдоналаридан саналади. Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижро ва ижодий мактаблар анъаналари, буюк бастакорлар, ҳофиз ҳамда созандалар меросини чуқур илмий асосда ўрганиш ва қайта тиклаш, тарғиб қилиш, халқимизни мусиқий меросимизнинг энг гўзал анъаналаридан баҳраманд этиш, ёш авлодни мақом санъати билан кенг таништириш орқали уларда миллий ўзликни англаш туйғусини камол топтириш каби қатор вазифалар мужассамдир.

Шу нуқтаи-назардан мазкур мақолада ворисийлик тамойилидан ҳам фойдаланилган. Яъни, ватанимиз тарихини ўрганишда миллий кадриятлар, халқ анъаналари, урф-одатлар, маросимлар каби мезонларни ёритишда мазкур тамойилдан фойдаланиш ўринли ҳисобланади.

Мақолани ёритишда мавзуга доир кенг қўламли адабиётлар, архив материаллари, интернет маълумотларини қўлланилиши мавзу ўрганилган даражасининг камрови кенглигидан далолат беради.

### **3. Тадқиқот натижалари:**

Мақомлар Шарқ халқларининг жуда қадим замонлардан мавжуд бўлган бетакрор мусиқий жанрларидан бири сифатида ўзбек миллий мусиқий меросида жуда муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис мақомлар мусиқа маданиятида жуда катта тарихий, илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Мақомлар- ўз тарихий тараққиёти давомида жуда узоқ йўлни босиб ўтиб, ҳар бир тарихий даврда янги хусусиятлар билан бойиб борди. Ўзбек мусиқа меросида мақомнинг учта асосий тури мавжуд бўлиб, Шашмақом (ёки Бухоро мақомлари, Бухоро Шашмақоми), Хоразм мақомлари, Тошкент-Фарғона мақомлари (ёки мақом йўллари) дан иборатдир[4; – Б.7.].

Бугунги кунда турли даврларда фаолият олиб борган мақом намояндаларининг маънавий меросини асраб-авайлаш, ижро намуналарини сақлаш, ўрганиш, тадқиқ этиш орқали ёшларимизни бетакрор мумтоз мусиқий санъатимиздан баҳраманд бўлиш, уни ўрганиш ва асраш каби хайрли ишлар кўзда тутилган.

Жумладан, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос услуби, ижро анъаналари ва намояндалари фаолият юритган. Яъни, Бухоро мусиқа ижрочилик анъаналарини ривожлантиришда Бухоро хонандалик мактаби намояндалари Ота Жалол, Ота Ғиёс, Уста Шоди Азизов, Домла Халим Ибодов, Левича Ҳофиз, Уста Шароф, Шоназар Соҳибов, Борух Зикриев, Михаил Толмасов, Хожа Абдулазиз Расулов кабилар машҳур бўлди [9; – Б.64.].

Хоразм воҳаси эса XIX аср охири- XX аср бошларида ўзбек мусиқа санъатининг ижрочилик ва хонандалик анъаналари билан машҳур бўлди. Воҳада мақом ижрочилиги дoston йўллари, халқ оммавий қўшиқлари ўз йўналишлари доирасида ривожланди. Бу даврда Хоразмда Комил Хоразмий, Мирзо, Муҳаммад Раҳимхон II-Феруз, Ниёзжон Хўжа каби машҳур бастакорлари ижод қилди. Хоразм мусиқа санъатини ривожлантиришда Матёкуб Харратов, Худойберган ота, Полвонниёз ота, Қурбонниёз, Авазmat ўғли, Мадрахим Ёқубов, Бобожон Ҳофиз, Матёкуб Отажонов кабиларнинг ўрни катта бўлди.

Ўзбек мусиқа санъатининг Тошкент-Фарғона йўналиши ҳам бетакрорлиги ва ўзига хослиги билан ажралиб туради. Хусусан, Ашурали Ҳофиз (1850-1913), Мирза Қосим Ҳофиз (1850-1917), Мўминжон Ҳофиз (1860-1910), Мўйдин Ҳожи (1885-1958), Беркинбой Файзиев (1885-1945), Жамолхон Ҳофиз (1850-1916), Абдулла Тароқ (1870-1952), Мадумар Ҳофиз (1884-1935), Зебо Пари (1826-1910), Маматбува Сатторов (1885-1967), Эрка Қори Каримов (1880-1954), Маҳкам Ҳофиз (1865-1915), Ҳамроқул кори Тўрақулов (1872-1943), Мулла Тўйчи Тошмухаммедов (1868-1943), Шораҳим Шоумаров ва бошқалар сермахсул ижод қилиб, халқ орасида “ҳофиз” сифатида ном қозонди. Шунингдек, XX аср бошларида катта

ашула ижрочилигида Ғанижон Мирзаев, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Турғун Каримовлар халқ орасида ўз санъати билан танилди [11; 12-в.].

Шунингдек, ўз даврида доврўғ қозонган етук мақом дарғаларининг ижролари, мусиқийшунос олимларимизнинг қолдирган илмий, маънавий меросини янгича қарашлар, замонавий усул ва воситалар орқали ўрганиш, асраш бугунги илм-фан олдидаги вазифалардан саналади.

Хусусан, 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3391-сонли Президент қарори Шарқ халқлари мумтоз мусиқа санъатининг етакчи жанри – мақомларни кенг тарғиб қилиш, мақом анъаналарини замонга мос эъозлаб сақлаш, ўрганиш, ўзлаштириш, ривожлантириш ва мақом санъатининг моҳир ижрочиларини рағбатлантириш, ёш авлод қалбида мақом санъатига эътибор ва меҳрни ошириш, мусиқий мероснинг бой, бадий ва эстетик имкониятларини тараннум этиш, халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш каби хайрли ишларни кўзда тутати.

Шарқ халқларининг бетакроп санъати бўлган мақомларни ўрганиш, азалий анъаналарни тиклаш, замон руҳи билан суғорилган ижроларни шакллантириш ва жаҳонда кенг тарғиб этиш, халқлар ўртасида ижодий ҳамкорлик ва маданий мулоқотни мустаҳкамлаш халқаро мақом санъати анжуманининг асосий мақсади ҳисобланади.

Анжуман 2018 йилдан бошлаб, ҳар икки йилда бир марта Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида ўтказилиши, анжуман доирасида “Мақом мусиқа санъати унинг жаҳон цивилизациясида туган ўрни” мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этилиши, Жаҳон ва Ўзбекистон мақомот санъати усталарининг якка концертлари, мақом ансамбллари, хонанда ва созандаларнинг кўрик-танлови, сайиллар, мамлакатимизнинг дунёга машхур шахслари ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида замонавий ва креатив усулда сахналаштирилган дастур намойишлари, мақом санъати тарихига оид кўргазма, ўзбек, форс, араб, инглиз ва рус тилларида нашр этилган илмий-тақдимот асарлари ҳамда илмий-маърифий адабиётлар намойиши каби хайрли ишларни мунтазам равишда амалга оширилиши белгиланган бўлиб, бу ўз навбатида бебаҳо маънавий меросимизнинг авлоддан-авлодга безавол етказишга замин яратади [12].

2018 йил 6 сентябрь куни Шаҳрисабз шаҳрининг Оқсарой майдонида Биринчи Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев куйидагиларни таъкидлади: “Бугун бағрикенг, меҳмондўст, санъатсевар ўзбек диёрида катта байрам, катта шодиёна. Жонажон Ватанимизнинг гўзал ва бетакроп масканларидан бири Шаҳрисабз заминида, буюк Амир Темур бобомиз бунёд этган муаззам Оқсарой майдонида Халқаро мақом санъати анжумани тантанали равишда очилмоқда. Шу муносабат билан сиз азизларни, ўз ҳаётини ноёб мусиқа дурдонаси бўлмиш мақом санъатига бағишлаган фидоий инсонларни чин қалбимдан муборақбод этаман” [13].

Ўзбекистонда илк мартаба ўтказилган ушбу санъат байрамида дунёнинг 73 давлатидан келган 300 га яқин иштирокчилар ва меҳмонлар қатнашди. Уларнинг орасида нафақат ўз юртида, балки жаҳон миқёсида ҳам машхур хонанда ва созандалар, маданият ва санъат арбоблари, мусиқашунос олимлар борлиги алоҳида таъкидланди [12].

Ушбу халқаро анжуманда ЮНЕСКО, Осиё фольклор ижодиёти ташкилоти каби нуфузли халқаро тузилмалар вакиллари, жумладан, Россия Федерацияси Президентининг маслаҳатчиси В.И.Толстой, Қирғизистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси С.Райев, Қозоғистон Республикаси Маданият ва спорт вазирлари А. Муҳаммед ўғли, Тожикистон Республикаси Маданият вазирлари Ш.Ўрумбекзода, Озарбайжон Республикаси Маданият вазирлари А.Гараев, Туркия Республикаси Маданият ва туризм вазирининг биринчи ўринбосари А.Х.Дурсун ва бошқаларни иштирок этиши – ушбу мусиқий меросимизга жаҳон ҳамжамиятининг ғоят катта қизиқиш билан қараётганлигидан далолатдир [13].

Халқаро “Мақом” фестивали доирасида амалга оширилган хайрли ишлардан яна бири – бу 2018 йил 7 сентябрь куни дунёда ягона бўлган “Мақом” музейининг очилишидир. Ушбу музей ўзига хос миллийлик ва замонавийлик уйғунлиги асосида жиҳозланган. Музейда

ватанимизнинг ҳар бир ҳудудига хос бўлган мақом санъати, мақом намояндалари ва улар томонидан яратилган бетакрор ижро намуналари, созлари, мактаблари ҳақидаги маълумотлар акс этган.

Ушбу фестивал муносабати билан ташкил этилган “Мақом санъати ва унинг жаҳон тамаддунида тутган ўрни” мавзуидаги илмий-амалий конференцияда асосан мақомот санъати бўйича дунёнинг турли давлатларида тадқиқот олиб бораётган таниқли олимлар ўзларининг илмий тадқиқотлари натижаси юзасидан тақдимот ва маърузаларини баён этдилар.

Конференция ишида Темурийлар даврида мақом ва мусиқа илмига оид рисолалар, Зайниллобиддин Ҳусайнийнинг “Қонуний илмий-амалий мусиқий” китоби, Нажмиддин Кавкабий, Абдурахмон Жомий, Абдулқодир Мароғийларнинг мусиқий рисолаларининг аҳамияти ҳақида қимматли фикрлар билдирилди. Илмий-амалий конференцияда ана шу асарларнинг мақомот дунёсидаги аҳамияти, қайси тилларга таржима этилгани, мақом ривожини учун улар қай даражада хизмат қилиши каби масалалар муҳокама этилди.

Конференцияда Ўзбекистон, АҚШ, Франция, Италия, Германия, Венгрия, Жанубий Корея, Туркия, Озарбайжон, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Тожикистон, Миср, Ироқ, Тунис, Афғонистон, Бангладеш каби давлатларнинг етакчи мусиқашунос олимлари ўзларининг илмий қарашлари, таҳлилий мулоҳазалари билан иштирок этиши давлатлар ўртасида илмий-маданий алоқаларнинг янада кенгайишига асос бўлади.

Илмий анжуман доирасида Отаназар Матёқувнинг “Бухоро шашмақоми”, “Хоразм дутор мақомлари ва олти ярим мақоми”, Равшан Юнусовнинг “Ўзбек мақомлари” китобларининг тақдимоти ва юртимиз мақом санъати усталарининг “устоз-шогирд” анъаналари асосидаги маҳорат дарслари ўтказилди.

Анжуман якунида турли номинациялар бўйича ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Халқаро ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларни “Энг яхши мақом ансамбли”, “Энг яхши яккахон чолғу ижрочиси” ва “Энг яхши яккахон хонанда” номинациялари бўйича баҳолашди.

Жумладан, Туниснинг “Al Gharbi Twins”, Япониянинг “SPCP Japan” жамоалари ва Туркменистон вакили Сухонберди Оразбердиев учинчи ўринга лойиқ, деб топилди. Эроннинг “Настар” ансамбли ва Ҳиндистонлик Устад Иқбол Аҳмад Хон иккинчи ўринга лойиқ деб топилди[14].

Озарбайжоннинг “Ҳайрати” жамоаси солисти Нигор Шабанова ва Ўзбекистоннинг “Сақил” ансамбли биринчи ўринга сазовор бўлди.

Ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосасига кўра, Халқаро мақом санъати анжумани бош соврини – Гран-при Тожикистон мақом академиясига берилди.

Ғолиб ва совриндорларга пул мукофотлари, шунингдек, анжуманнинг махсус дипломи ва эсдалик совғалари тақдим этилди. Бундан ташқари, анжуманда иштирок этган барча хорижий меҳмонларга сувенир ва махсус сертификатлар топширилди[14].

Кейинги йилларда ҳам соҳа ривожини учун қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 мартда қабул қилинган 237-сонли “Юнус Ражабий номидаги “Ёш мақом ижрочилари” республика кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низоми, 2019 йил 21 ноябрда қабул қилинган 940-сонли “Мақом санъатига ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни ташкил этиш тўғрисида”ги, 2019 йил 5 сентябрдаги 732-сонли “Ўзбек миллий мақом санъати маркази ҳузуридаги Марғилон шаҳар мусиқали мақом театри фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорлари шулар жумласидандир.

Асрлар давомида шоир ва олимлар, моҳир бастакорлар, ҳофизу созандаларнинг машаққатли меҳнати ва ижодий тафаккури билан сайқал топиб келаётган ушбу ноёб санъат нафақат Шарқ мамлакатларида, балки бутун дунё миқёсида катта шуҳрат қозонганлиги сир эмас. Бугун ана шу эзгу анъаналарнинг бардавом бўлиши, уни авлоддан-авлодга етказиш борасида барча шароитлар ва имкониятлар етарли.

#### 4. Хулосалар:

- Халқаро мақом фестивали тантанали ва байрамона тарзда ташкил этилиб, ўз навбатида юртимизнинг туризм имкониятларини ҳам намоён этишга замин яратди.
- Мақом санъати серқирра ва сержило санъат тури бўлиб, уни бус-бутунича асраб-авайлаш, турли тарихий даврларда соҳа ривож учун ўз ҳиссасини қўшган етук соҳа намояндалари меросини чуқур ўрганиш каби ишларни амалга ошириш учун барча ҳуқуқий, меъёрий асослар яратилди.
- Шунингдек, хорижий мамлакатларда фаолият олиб бораётган мақом марказлари, мактаблари билан кенг ҳамкорликни йўлга қўйиш – соҳага доир таълим муассасаларида “устоз-шогирд” анъаналарини кенгайтириш, барча мусиқий мактабларда мақом санъатини алоҳида фан сифатида ўқитиш масалалари йўлга қўйилди.
- Мақом намояндалари фаолиятига, мусиқа тарихига оид кўплаб ўқув, илмий адабиётлар, монографиялар яратилди.
- Ёшлар ўртасида аввало ўзбек миллий мусиқий мероси, хусусан, мақом санъатига ҳурмат, уни қадрият сифатида асраш каби тизимли тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш лозим.
- мусиқани англаш ва қабул қилиш психологияси, мусиқий фикрлаш, мусиқа тили, маънавий маданият контекстида мусиқа каби масалаларга алоҳида аҳамият қаратиш лозим.

### Иктибослар/ Сноски/References

1. Акбаров И. Словарь музыкальных терминов. - Ташкент: Укитувчи, 1997. -С.165. (Akbarov I. Dictionary of musical terms. - Tashkent: Ukituvchi, 1997.-p. 165.)
2. Бегматов С. Искусство хафизного исполнительства (учебно-методическое пособие). – Ташкент: Музыка, 2007. -С.34. (Begmatov S. The Art of Hafiz Performance (Study Guide). – Tashkent: Music, 2007. -P. 34.)
3. Бекджан Рахмон оглы и Мухаммад Юсуф Девонзода (Харратов). Музыкальная история Хорезма (на ароабском). – Москва, 1925. (Bekjan Rahmon oglu and Muhammad Yusuf Devonzoda (Kharratov). Musical history of Khorezm (in Aroab). – Moscow, 1925).
4. Status Basics application. (For higher and secondary special educational institutions). - Tashkent, 1997. –P.7.
5. Раджабов И. Относительно задач макомов.-Ташкент: Уз.гос.издат. художественный литературы, 1963. (Rajabov I. Concerning the tasks of maqoms.-Tashkent: Uz.gos.izdat. fiction, 1963).
6. Раджабов И. Основы макомы. -Т.,1989 (Radjabov I. Basics of maqoma.-Т., 1989).
7. Раджабов И. Макомы. - Т., 2006. (Rajabov I. Maqomy. -Т., 2006).
8. Фитрат А. Узбекская классическая музыка и её история.-Ташкент: Фан, 1993.-Б.49. (Fitrat A. Uzbek classical music and its history.-Tashkent: Fan, 1993. -P.49).
9. Xamidov X. Excerpts from the history of culture of our country in the XVI-XIX centuries. - Tashkent: Fan, 2009. -P.64.
10. НА Р Уз, фонд -2731, список-1, дело-273, лист-2. (NA R Uz, fund -2731, list-1, case-273, sheet-2.)
11. NA UzR, Fund R-2731, 1-p, 269-f, 12-sheets.
12. <http://www.uza.uz>.
13. <http://www.maqom.uz>.
14. <http://darakchi.uz/uz/57089>
15. [https://buxgalter.uz/doc?id=583054\\_&prodid=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://buxgalter.uz/doc?id=583054_&prodid=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)
16. [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

**ЎТМИШГА НАЗАР**

**ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**LOOK TO THE PAST**

**№SI-3 (2020)**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000